

Оғагелди Алланазаров

МЕХРИБОН ОТ

(Шеърлар)



Тошкент
“Чулпон” - 1991

О. Алланазаров. “Мехрибон от” (Шеърлар).
(Кичи ва урта ёшдаги бололар учун).
Тошкент "Чулпон" - 1991. 56 б.

*“Мехрибон от” номли бу китобча мешхур
туркман шоири Оғагелди Алланазаровнинг
узбек тилига таржима килинган шеърлари
жамланилди.*

С 4803620202—47 39—91
360 (04) — 91

© Оғагелди Алланазаров, 1991 й.

ISBN 5-8250-0261-8



Күзойнак

Бувимнинг кўзойнаги —
Мисоли кўзбойлагич!

Уни баъзан тақаман,
Сўнг чумчуққа боқаман.

У кўринар ғоз бўлиб,
Катта бўлиб — соз бўлиб.

Чумоли эмас, айнан —
Эшакни кўргандайман.
Боқиб, кулгим келади,
Миниб юргим келади.

Нени кўрмай — ажойиб,
Бари улкан — ғаройиб.
Сичқон чопиб ўтса, ҳей,
Тўнғизчами, дебманей...

Таржима Аҳмад Тошхўжаев



Мехрибон от

Отимиз бор —
Киройи,
Меҳнатсевар,
Чиройли.

У ёш, соғлом,
Ҳам ўйноқ —
Утин ташийди
Тоғ-тоғ!

Ёмғирли, шаадол
Тинмай,
Тегирмонга
Эринмай,

Дон элтади
Қоп-қоп.
(Деманг, бу гап
лоғ, лоғ!)

Ҳаво очиқ пайт,
Кўклам,
Хордик кун
Олди у ҳам.

Ва ҳамма
Болаларни —
Юзлари
Лолаларни
Аравага
Утқазиб,
Уз жиловин
Тутқазиб,

Оёқ-қўли
Толгунча,
Яъни, ҳориб
Қолгунча,

Эртадан
Кечга қадар
Сахро бўйлаб
Қилди сайр.

Чопқир от,
Навқирон от,
Бизларга
Мехрибон от!

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев

Қадрдонларим

Мушугимни силаб майин,
Күяман суйиб.

Менга қаймоқ тутса ойим,
Бераман қуиб.

Хўроз — дароз
Аскар мисол
Борар илгари —
Менинг билан намойишдан
Утган сингари!

Кучугим-чи, кезиб чиқар
Бор кўча-кўйни,
Адашмайди, топиб келар
Қадрдон уйни.

Хўтигим бор, қани шу дам
Бўлиб қолсам чол —
Уялмасда-н миниб юрсам
Уни bemалол.

Оикелардим бўталоқни
Уйимга шу чоқ —
Дарвозага сиғмайди-да,
Шуниси чатоқ!



Менга қараб,
Күяр маъраб Жажлси қўзичок
«Барра ўтдан олиб келгин!» —
Дейди ўзича.

Фақат тойчоқ тутқич бермас,
Қочар жонсарак,
Тушларимда уни миниб
Сайр этсам керак...

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев

Tүн

Баланд тоғ ортидан
Чиқиб келди тун.
Ёйила бошлади
Водийга бутун.

Аста бориб босди
Дарё қирғоғин,
Охиста ўчирди
Кундуз чироғин.

Тулки уяси ҳам
Кўринмай қолди.
Уйлар тун қаърига
Чўкди, йўколди.

Қоронғулик ичра
Қушлар йитмоқда,
Дала,
Дараҳтларни
Бу тун ютмоқда.

Кириб хонамни ҳам
Дарҳол забт этди.
Кўзим юмилмоқда,
Уйқу элитди...

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев



Бахт

Сиз ҳам билмайсиз чоғи,
Бахт деган нима ўзи?
Борми, қўли оёғи,
Бирор белгиси, изи?

Балки, у оппоқ қордир,
Чўнг осмон элаётган.
Жайронмикан ё учқур
Саҳрода елаётган?

Эҳтимол, баҳт бу — макон
Е орзулар парвози?
«Елғизим, баҳтим, ўғлон»,
Деган онам овози.

Баҳт сувга ўзин урган
Лаққа бўлса, на хайрат!
Кеча кинода кўрган
Тимсоҳмикан баҳайбат?

Ранг-рўйи қандоқ экан,
Излаб уни топар ким?
Баҳт уйингга элтгувчи ;
Йўлмикан ё, билмадим...

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев

Сув, айт-чи...

—Шарқираб оқаётган,
Ярқираб оқаётган —
Сув, айт-чи, шу пайтгача
Дайдиб юрдинг қайларда!
— Муз бўлиб — мармар бўлиб,
Уркач-ўркач қор бўлиб,
Тоғлар узр.а ётгандим
Осмонўпар жойларда.

Бир кун ёз бошланган чоғ,
Рухсат берди бобо тоғ.
Ирмоқ бўлиб оққани
Пастга — водий томонга.

— Сен аввал нима эдинг?
— Булут — оқ кема эдим,
Сўнг чилтор ёмғир бўлдим,
Таралгувчи осмондан!

— Қани, айт-чи, бу замон
Йўл оласан қай томон?
— Бориб мовий денгизга,
Тинч, кенгликда тенгсизга
Дам олсам, дейман бир он.

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев

«Алифбе»ни уқидик

Бошдан охир ўқиб чиқдик
«Алифбе»ни.

Ҳарф билмайсан, дея олмас
Ҳеч ким мени.

Ойимлардан битта конверт
Олдим сўраб.

Сўнг акамга бир хат ёздим
Ҳарфни бураб.

У хизматда моҳир аскар,
Посбон турар.
Хатни олгач, хурсанд бўлар,
Кўзга сурар.

Фақатгина «АДА, ОЙИ»
Битган сўзим.
Оз бўлса ҳам, энг муҳими
Ездим ўзим.

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев

Сўнгги балиқ

Балки, сиз ишонарсиз,
Ёлғон дерсиз, эҳтимол.
Бир кун денгиз бўйида
Рўй берганди шундай ҳол:

Қармоқ олиб, соҳилга
Етиб келдим тонг чоғи.
Сокин эди денгиз-у,
Унинг қумлоқ қирғоғи.

Шафақ аста қизариб,
Бобо қуёш ҳам чиқди.
Зумда заррин нурига
Кўмди бутун уфқни!

Вакт ўтарди сездирмай
Сукунат аро секин.
Менинг ўлжам — балиқдан
Дарак йўқ эди лекин.

Қармоғимнинг пўкаги
Сапчиб қолди ногаҳон.
Ичга ютиб «афасим,
Қармоқни тортдим шу он.

Чиқиб келди оқарыб
Күпдан бери кутганим.
Үта қувончли эди —
Илк бор балиқ тутганим!

Қирғоқда тураг әдим
Күзларимда ҳаяжон:
— Мана, келди омадим!
Бормисан, эй балиқжон!

Сувга қармоқ солибман
Аста иккинчи карра,
Шамол эса бошлабди,
Сезмабман уни зарра.

Улжамни кутиб секин
Гоҳ ўтирдим, гоҳ турдим.
Ногоҳ шамол тўлқинни
Кўзгаётганин кўрдим!

Томчилар сачраб ҳар ён
Денгиз суви ўкирди.
Бандаргоҳ устунлари
Зўр-базўр чидаб турди.


Бешик-бешик түлқинлар
Даҳшат солди беомон.
Гүё бир гуноҳкорни
Қарғаган каби ёмон.
Нортуюдай ҳар бири

Босиб келиб мен сари
Ҳамла қилмоқ бўларди
Аждаҳолар сингари.
Бунчалар бўкирмаса,

Ғазаб сочмаса денгиз?
Ё унинг юрагида
Алами борми теигсиз?
Унча ёш бўлмасам ҳам

Йўл қўйдимми хатога?
Денгизнинг қаҳрин қўзғаб
Лойиқдирман жазога?
Ким билади, денгизнинг

Энг суйган балиғини,
Энг сўнгги балиғини
Илинириб олдимми?—
Дея ўйга толдим мен.



Сүнгра қўнгли тинчлансин,
Осойиш топсин уммон —
Деб, балиқни қўйвордим:
— Қенгликларда ур жавлон!

Бирдан бўрон тўхтади,
Узим ҳам қолдим ҳайрон.
Кўзим билан кўрмасам,
Ишонмасдим ҳеч қачон.

Денгиз енгил хўрсинди,
Тинчланди ичи-тоши.
Ва оҳиста пойимга
Кўйди мулойим бошин!

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев

Катта булдим

Отам — колхоз чўпони,
Қўй-қўзиси бир пода.

Хизматида нор түя
Тунаб қолар сахрода.

Кеча уйга келди у
Бир ҳафта дам олгани.
Дейман:

— Оикетасизми?
— Сал катта бўлгин, қани.

Нима қилсам,
Улғайиб
Бўй қўшилар бўйнмга.
«Аввал бир қалпоқ керак!»
Фикр келди ўйимга.

Кийдим чўпон қалпоғин,
Ярашаркан одамга.
Кўзгуга боқдим роса:
«Ўхшайманми отамга!»

Кейин кийиб этикни,
Таёкии қўлга олдим.
— Усаяпман, отажон,
— Қаранг, улғайиб қолдим!

Таржима
Аҳмад Тошўжаев



Kурка

«Қағ-қағ» курка овози
Қишлоқни тутаверди.
Курка қағиллайверди,
Вақт эса ўтаверди.

Қараб турибсиз, мана
Саккиз жажжи полапон —
Кўзларин очиб бир-бир,
Оламга боқар ҳайрон!

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев

Бобом

Бобом меҳрибон эди,
Соқоли қордай оппоқ.
Эгнида гулдор чопон,
Бошида улкан қалпоқ.

У қолдирди мен учун
Қүёш, Ой, юлдузларни.
Алвон лолалар ўсган
Чўлни — дала-тузларни.

Мени, яшил боғлардан
Гул терсин, деб эгаклаб
— Овулга олиб келди
Ирмоқ сувин етаклаб.


Муздек, зилол сув ичиб
Замин бағри яшнади.
Қушлар ҳам келди учиб,
Балиқ урчий бошлади.



Бобом меҳрибон эди,
Соқоллари қордай оқ.
Менга шунча бойликни
Қолдириб кетди мутлок!

Мен учун этди бунёд
Хув, тоғлар тизмасин ҳам.
Унга чиқиб,
Кўк қадар
Юксалсин, деб набирам...

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев



Бувимга шошаман

Жуда енгил оёғим,
Қолмасман йўлда ҳориб.
Овул томон шошаман —
Югурман, учаман.

Ям-яшил сўқмоқ бўйлаб
Күш каби елиб бориб,
Бувимнинг оғушига
Отиламан, қучаман.

Мана, қолди орқада.
Дарё билан кўприк ҳам.
Хув олдинда оқариб
Кўринмоқда таниш уй.

Меҳмонга келаётган
Ким экан, дея бу дам,
Бувижоним мен томон
Деразадан чўзар бўй.

Бувим кетар қувониб:
— Хўп келдинг-да, болажон,
— Меваларни илиниб
— Йўлингга эдим маҳтал!

Турли ноз-неъмат билан
Тўлиб кетар дастурхон.
Бир ёнда ўриқ, узум,
Бир томон қанду асал.

Кўтаришиб чиқаман
Қовун узса полиздан,
Бувим мени алқайди:
— Омон бўл, баракалло.

Ғуурланиб кетаман
Бувим айтган бу сўздан.
Узум-у, асалдан хам
Мен учун шу гап аъло!

Жуда учқур оёғим,
Қадам ташлайман илдам,
Ана, тоғ этагида
Кўринди бўйчан терак.

Бувим билан учрашиш
Соғинчи жўшар дилда,
Қуш каби учишимнинг
Боиси шудир демак!

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев

Менинг бүёқларим

Чизаман қирмизи қуёш расмини
Иккига бўлинган тарвуздай қилиб.
Бута остидаги қуёнча ини
Келтирган нуримдан тортади илиқ.

Утган йилги кузак гилами мисол
Сариқ бўёғим ҳам ёйилар майин.
Турфа ранг, паришон япроқлар беҳол
Ерни хазон бўлиб қоплагандайин.

Узоқ-узоқларга отларни солиб,
Чизаман, бўёқлар —қуюқ жигарранг.
Майсаларим кўркам кўк бўёқ эниб,
Чиздим, тақир ерни ёрганин аранг!

Қора бўёғим ҳам қуrimаган, шай,
Уни ишлатаман юлдузли тунга.
Онам айтиб берган эртакдагидай,
Үйқуни хуш кўрган киради унга!

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев

Саволлар

Уйланаман Ҳар куни
Мен уйқуга кетар чоғ:
— Нимага тун қоп-қора
Кундузи эса оппок?

— Айтинг, она, бувилар
— Қайдан пайдо бўлишар?
Сўрайман. Улар эса
— Жавоб бермай, кулишар.

Яна мени бир жумбоқ,
Тинч қўймас эртаю кеч.
— Нега қушлар учар-у,
— Эшагим учолмас ҳеч?

Шунақа ўйлар билан
Уйғонаман эрта-тонг.
Яна ўша саволлар
Бошимда ўйнап ғужғон!

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев

Тойчоқ қушиғи

Уйғондиму эрта тонг,
Югурдим құча томон.

— Ҳавас қилинг, бир қаранг,
Мен тойчоқман —чопоғон!

Ла-ла-лай,
Ла-ла-лай,
Мен тойчоқман чопоғон!

Бургут боқар юксакдан,
Тоғлар ҳам турап ҳайрон.
— Қандай енгил учмоқда
Олға тойчоқ чопоғон.

Ла-ла-лай,
Ла-ла-лай,
Мен тойчоқман чопоғон!

Шамолидан күкатлар —
Тебранар у ён, бу ён.
— Ёрдам бергани келдим,
Салом, чўпон бобожон!
Ла-ла-лай,



Ла-ла-лай,
Мен тойчоқман чопоғон!

Адашиб кетса агар
Пода йўлдан ногаҳон,
Дарҳол ортга қайтарар
Уни тойчоҳ чопоғон!

Ла-ла-лай,
Ла-ла-лай
Мен тойчоқман чопоғон!

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев

Tүрғай

Бир куни
Жажжи түрғай
Қуёшга парвоз этди.
Бундай жасоратидан
Узи ҳам құрқиб кетди.
«Нега учдим ҳуёшга,
Уйлади у, — толмасдан, —
Пастга қайтиш йўлини
Аввал билиб олмасдан?»
Сўнгра даҳшат ичида
Силкитганди қанотин,
Қуламади,
Нимадир
Сақлаб қолди ҳаётин!
Ер билан осмон аро
Бирпас тургач осилиб —
Аста пасттай бошлади
Ваҳимаси босилиб.
Шундан бери бу қушча



Ишониб ўз курбига,
Тинмасдан парвоз этар
Самоннинг энг тубига!
Энди у қайта-қайта
Кўк тоқига йўл олар.
Доиракаш мисоли,
Шодлигидан жар солар!..

**Таржима
Аҳмад Тошхўжаев**

Мен дүстимни йүқотдим

Қийин дүстни йүқотмоқ,
Ҳамма билмаса керак.
Мана, яқин дүстимдан
Нече кунки, йүқ дарап!
Това турар қуп-куруқ,
Бўм-бўш катак уяси.
Тупроққа ботиб ётар
Ғажиб кетган суяги...

Болалар, бирортангиз
Учратсангиз, ажабмас.
Белгилари: бироз шўх,
Бўйи эса анча паст.
Тўртта оёқчаси бор.
Малларанг,
Юнги пахмок.
Думи — мисли супурги,
Овози майин, юмшоқ.
Эплай олмас қўшишни,
Кўпайтиришни билмас.
Йигла, ёлбор, шеър ўқиб,
Хеч қачон қойил қолмас.

Лекин жуда боплайди,
Суяк ғажишни, ҳай-ҳай.
Бунинг устига оти
Жуда содда — Олавсй.
Учраб қолса ногаҳон,
Дарҳол танийсиз, билинг:
Осилиб тураг доим
Икки қулоғи, тили.
Суякча ташлаб кўринг,
Ғажий бошласа шу он,
Менга хабар етказинг,
Дўстим ўша — бегумон!

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев



Санаши биламан..

Пода қайтаётир кечқурун, мана,
Бир-бир сигирларни чиқсамми санаб?
Сүнг санаб кетаман змйрак күз тикиб.
Бир икки уч, — дея, бармоғим букиб.

Түрт, беш — Жим. Эслайман. Ҳа,
тоидим — олти,
Етти, саккиз... Давоми қаерда қолди?
Пода ўтаверар. Эй ола сигир,
Бирпас дамингни ол, бир зум тўхтаб тур.
Нечтасиз? Узингиз билмайсиз, ахир.
Бир, икки, уч, тўртта, шошманг, мен
ҳозир,
Югуриб онамдан сўраб келайин
Кейин ҳолганингиз санаб берайин!..

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев

Аниқлайман

Эшитдимки, уч юз йил
Яшар эмиш тошбаңа.
Қархисида түя, фил
Күринармиш ёшдақа!

Бир тошбаңа боласин
Аста солиб дүипимга.
Сездирмасдан ҳеч кимга,
Олиб келдим уйимга!

Ликопчадан сув ичар,
Зүрға құтарап бошин.
Шу бугундан мен унинг
Санай бошлайман ёшин.

Аниқлайман, бу полвон —
Уч юзга кирап қачон!

Таржима
Аҳмад Тошхўжаев

Қарға

— Қарға, нега тинмасдан
— Доим дейсан: — Қар-р, қар-р!
Қағиллайсан. Бирор кимни
Ё қарғайсан: — Қар-р, қар-р!
— Иўқ, — дер қушча,
— мен ҳам бу йил

Мактабимга бораман:
Қар-р! Қар-р!
Сен каби «р» ҳарфини Такрорлаб
овораман: Қар-р! Қар-р!

**Таржима
Аҳмад Тошхўжаев**

Мехрибон қуёши

Эрта тонгда
Үйғонди қуёш
Вақти йўқдек ухлашга худди.
Унинг майин олтин нурлари
Чўпон найин
Сийпалаб ўтди.

Бирор нима
Қолмади четда,
Жилоланди ёғдуда узум.
Шафтоли, ўрикка
Берди тилла ранг,

Тарвуз -бошин силади шу зум.
У борлиқни оташ нигоҳ-у,
Ёруғ табассум-ла илитди.
Оқшом

Пода қайтиши билан
Ётоғига кирди-да кетди.

**Таржима
Аҳмад Тошхўжаев**

Ёмғир

Лахтак-лахтак булутлар,
Бириң-сирин түпланиб,
Осмон ҳам күз ўнгимда,
Борар сувдек хўпланиб.

Мовийликдан асар йўқ,
Қовоғин уяр булат.
Мен билан ўчакишгандай
Шитирлаб қуяр булат.

Гоҳ чақмоқ гугурт чақиб
Кузатиб борар зимдан.
Ёмғир-жала уйгача
Қувиб келди изимдан...

Таржима
Турсунбой Адашбоев



Kуёш қайда ухлайди?

Уфқни кузатардим,
Яъни қуёш ботишин.
Лекин ҳамон билмайман
Унинг қайда ётишин.

Офтобнинг ётар жойин,
Аниқ билиш ўйида,
Бир кун атай кечгача,
Кездим денгиз бўйида.

Кечки пайт қуёш аста,
Шўнғиб кетди денгизга.
Китлар билан ухларкан,
Буёғин айтсам сизга.

Таржима
Турсунбой Адашбоев

Қийин экан

Азалдан Илеобекнинг
Гап турмайди ичида.
— Хўп денг, ойи, ўқийин,
Беш ёки олтинчида.
Ҳаттоқи еттинчига
Утай, нега деганда
Биринчи синф ахир
Роса қийин экан-да...

**Таржима
Турсунбой Адашбоев**

Бошим қотар

Бошим қотар уйланиб,
Тун қоронғу. Күн ёруғ.
Нега анор қип-қизил.
Күнгабоқар сап-сариқ.

Ойим билан бувимлар
Қачон, қайдан яралган?
Нима учун арчанинг
Барги яшил таралган?

Яна менга бир савол
Тинчлик бермас эрта-кеч.
Нечун парвоз этар қуш
Калпоғим-чи. учмас хеч?

Таржима
Турсунбай Адашбоев



Ёрдам беринг

Оқшом пода қайтар эди қарасам,
Соз бўларди уни бошдан санасам,
Бармоқ букиб ҳисобладнм четидан
Бир, икки, уч ошолмайман еттидан.

Ўзгалардек ошиқмадим, шошмадим,
Афсус, аттанг, саккиздан ҳеч ошмадим.
Кўй-кўзиларчувалалиб боришар,
Қайта бошдан санаб кўнглим ёришар.

Ёдга келмас саккиз сондан уёғи...
Қанча бўлар подаларнинг туёғи?

Таржима
Турсунбой Адашбоев

Kўзойнак

Момомнинг кўзойнаги,
Дум-думалоқ гардишли.
Канда қилмас эрта-кеч,
Таққан чоғи артншни.

Чумчук, читтақ кўринар,
ўрдак бўлиб, ғоз бўлиб.
Пиёламиз хошияси
Атиргулдай соз бўлиб

Кўнғир тусли чумоли
Эшакдайин елади.
Хуржун ортиб устига,
Миниб олгим келади.

Сичқон ўхшар чўчқага,
Бу кузойнак аломат.
Дўстларига бирма-бир,
Тақиб кўрар Каромат.

Таржима
Турсунбой Адашбоев

Tүн

Оқшом чўкиб, тун келар
Адир ошиб, тоғ ошиб.
Кўзни очиб-юмгунча
Сакраб ўтар боғ ошиб.

Етиб анҳор бўйига
Сувни ўраб олвди.
Утовларда оҳиста
Милт-милт олов ёнади.

Қора тунда тулкининг
Ини қолар кўринмай.
Сигирлар ҳам ётар жим
Бир-биридан бўлиамай.

Иложи йўқ жонзотнинг
Тун қаърига кўмилмай.
Дов-дараҳтлар ва қушпар
Бари қора кўмирдай.

уйга кириб ниҳоят
у соясин тошлади.
Карвотга чўзилсам
Уйкум Кела бошлади.

Таржима
Турсунбой Адашбоев



Бахт

Бахт догами нимадир?
Кани, билсанг айтиб бер.
Буюм бўлса агарда
Хоҳлаганга қайтиб бер.

Балки бахтнинг излари.
Кўл-оёғи бормикан?
Ёки учкур жайрондир.
Тунда ёққан кормикан?

ўчокда лов-лов ёнган
Е оловдир. бу камми?
Онам бўлса бахтим деб.
Эркалайди укамни.

Сизга айтсам. дўстларим,
Болалигим бахтимдир.
Шу боисдан толиқмай,
Билим олиш ахдимдир.

**Таржима
Турсунбой Адашбоев**

Қарға

— Сен инг билган кушиғинғ
Эрта-ю, кеч қорр-қорр.
Чүчитасан жужуқларни,
Овлоқ ерга бор-бор.

— Қўшиғимни эски деб,
Қувлама мени бекор!
Сен машқ қилган «Р» ҳарфин,
ўрганяпман қорр-қорр.

Таржима
Турсунбой Адашбоев



Күёш нури!

Офтоб нури тоғ ошиб,
Зар кокилин таради.
Етиб келиб овулга,

Деразадан қаради.
Пешайвоннинг олдини
ўзга жойдан хуш қўриб,
Ухлар мушук бойвачча,
Сичқонбойни туш қўриб.
Куёш нури Мушукни,
Уйғотмаса нетарди?
У ўлжага ташланса,
Ойна синиб кетарди.
— Хайрият, —дер Мушуквой, —
Корним бироз тўқ экан.
Тушда Сичқон овлашнинг
Ҳеч қизифи йўқ экан..

Таржима
Турсунбой Адашбоев

Менинг саволларим

Үйлаб колдим күрпадан
Туриб. турмай уйғониб.
Тун не учун қоронғу?
Кундуз нега еп-еруғ?
Онам, бувим каёқдан —
Яралганин сүрасам,
Қотиб - қотиб кулншар,
үйлаб ханрон бўласан.
Парвоз зтар нега нуш.
Бу савол ҳам қиинаиди.
Нечун учмас қалпоғнм?
Мени кўзи қнимайдн.
Туриб- турмай курпадап,
Шунча савол кошимда.
Тўлиб- тошган жумбоклар,
Юрап менинг бошимда.

Таржима
Турсунбой Адашбоев

Бахт

Бахт дегани нимадир,
Қани, билсанг айтиб бер!
Буюм бўлса, агарда
Хоҳлаганга қайтиб бер.

Балки баҳтнинг ё изи,
Қўл, оёғи бормикин!
Ёки учкур жайрондир?
Тунда ёққан қормикин!

Олов ёнган ўчоқ ё,
Тотли овқат, бу камми!
Онам бўлса баҳтим, деб,
Эркалатар укамни.

Билиб олдим, дўстларим,
Болалигим — баҳтимдир.
Катта йўлга бошлар у,
Ўқиши, меҳнат — аҳдимдир.

Таржима
Турсунбой Адашбоев

Бувижоним

Тушунмайман бувимларга
Мени койир уззукун:
— Нима бўлар кирсанг гапга
Юрагимни қилмай хун!
Дангаса бўб кетганмишман
Тайинсиз эмиш ишим.

Лозим эмиш ўз жойимни
Тонгда ўзим йиғишим.
Бу юмушни бажаришга
Қўлим бормас менинг ҳеч,
Бувим билмас, нимагадир
Бир зумда тушишин кеч.

**Таржима
Абдураҳмон Ақбар**

Саноқ

Пода қайтар қишлоққа оқшом,
Сигирларнинг қоринлари меш.
Бармоқ букиб санай бошлайман:
Бир, икки, уч, тўрт... тўрт, беш...
Олти, етти, саккиз дейман-у,
Адашаман саноқдан шу тоб.
Саккиздан сўнг неча келади?
Эслай олмай бўламан хуноб.
Қой, сигирлар, шошмай туринглар,
Шамолдайин уйга еламан.
Колганингиз қандай санаши
Ойимлардан сўраб келаман.

Таржима
Абдураҳмон Ақбар

Укам туши күрган эмиш

Укам тушини сўзлаб,
Аол қолдирди ҳаммани.
Сўзлади ҳандай ҳилиб
Енгганин акулани.
Ойимнинг кўзларини
Шу пайт қоплади қўрқув.
“Оҳ!” деб юборди синглим
Юраги этганча “шув
- Ишонмайман! - дедим-да,
Чиҳиб кетдим кўчага.
Олди-ҳочди гапларга
Ишонай ахир нега?
Шундоққина ёнимда
Ухлаган эди укам.
Рост бўлганда, бу тушни
Кўрган бўлардим мен ҳам.

Таржима
Абдураҳмон Акбар



Қарғанинг ўтинчи

Бошқа жонзот - қушлардан
Билмайман, қаерим кам?
Улардек оқ тухумни
Ериб чиққанман мен ҳам.

Баъзида турли-туман
Хаёлларга бораман
- Ким айтади нега мен
Кўмир каби қораман?


Таржима
Абдураҳмон Акбар

Toшбақа

— Тошбақа, бу ахволда,
Манзилга етолмайсан.
Ивирсима, акс ҳолда,
Отдан ҳам ўтолмайсан.

— Чунки, отнинг думи бор,
Бу табиат буйруғи.
Ортда қоларди тулпор,
Бўлса думим — қўйруғим.

Таржима
Турсунбой Адашбоев



Мундарижас

Аҳмад ТОШХҮЖАЕВ таржималари

Кузойнак	3
Мехрибон от	5
Қадрдонларим	6
Тун	8
Бахт	10
Сув, айт-чи	11
«Алифбе»ни уқидик	12
Сўнгги балиқ	13
Катта булдим	17
Курка	18
Бобом	19
Бувимга шошаман	22
Менинг буёқларим	24
Саволлар	25
Тойчоқ қушиғи	26
Турғай	28
Мен дустимни йуқотдим	30
Санашибни биламан	32
Аниқлайман	33
Қарға	34
Мехрибон қуёш	35

Турсунбой АДАШБОЕВ таржималари

Ёмғир.....	36
Қуёш қайда ухлайди?	37
Қийин экан	38
Бошим қотар	39
Ёрдам беринг	40
Күзойнак	41
Тун.....	42
Бахт.....	44
Қарға.....	45
Қуёш нури!	46
Менинг саволларим	47
Бахт.....	48

Абдураҳмон АҚБАР таржималари

Бувижоним.....	49
Саноқ	50
Укам туш кўрган эмиш	51
Қарғанинг ўтинчи.....	52
Тошбақа	53

Оғагелди Алланазаров

Меҳрибон от

Литературно-художественное издание

Для дошкольного и младшего школьного возраста

С Т И Х И

На узбекском языке

Мусаввир *Д. Собирова*

Расмлар муҳаррири *О. Муинов*

Техник муҳаррир *Е. Лукъянова*

Мусаххих *Г. Охунова*

ИБ № 0385

Босмахонага 20. 02. 91 берилди. Боснига 03. 03. 91 рухсат этилди. Биҷими 84×108^{1/32}.
Босмахона қоғози. Адабий гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли
босма табоқ 3,36. Шартли бўёқли босмада нашр ҳажми 3,78. Нашриёт табоқ ҳи-
сиби 3,06. Нусхада 10000. Шартнома № 63—90. Буюртма № 4172. Баҳоси 50 т.

«Чўлпон» нашриёти, 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, «Правда» рўзномаси
кўчаси, 41.

Ўзбекистон ССЖ Давлат матбуот қўмитасиFaфур Фулом номидаги наш-
риёт-матбаа бирлашмасининг 1-босмахонаси. 700002. Тошкент—2, Сағбон кӯ-
часи, 1-боши берк кўча, 2-уй.